

Акбар Аширмухамедов

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

PhD, dotsent v.b. Акрамжон Каримов

Тошкент молия институти

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА БАНК ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ФОНД БОЗОРИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мазкур мақолада тижорат банкларининг мижозлар билан ўзаро алоқасини самарали ташкил этиш ва рақамлаштиришда замонавий технологияларнинг ўрни, улардан кенг фойдаланиш истиқболлари, уларнинг фонд бозоридаги иштироки ҳамда соҳадаги муаммолар баён этилган. Шунингдек, банкларда молиявий технологияларнинг ишлаш тамойиллари ва молиявий инструментлар самарадорлиги иқтисодий кўрсаткичлар асосида таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: молиявий технологиялар, рақамли иқтисодиёт, фонд бозори, корпоратив облигация, акция, NPL, пул агрегатлари, клиринг, неттинг, интернет банкинг, мобил банкинг, SMS-банкнинг, рейтинг агентлиги.

ACTIVATION OF THE FUND MARKET THROUGH DIGITALIZATION OF BANKING ACTIVITIES BASED ON NEW TECHNOLOGIES

Abstract. This article describes the role of modern technologies in the effective organization and digitization of the interaction of commercial banks with customers, the prospects of their widespread use, their participation in the stock market, and problems in the field. Also, the working principles of financial technologies in banks and the effectiveness of financial instruments were analyzed based on economic indicators.

Keywords: financial technologies, digital economy, stock market, corporate bond, share, NPL, monetary aggregates, clearing, netting, internet banking, mobile banking, SMS-banking, rating agency.

Кириш

Халқаро амалиётдан маълумки, иқтисодиётни ривожлантиришда, ундаги молиявий ресурсларни ҳаракатини амалга оширишда банк тизими ва фонд бозорининг самарали фаолият даражаси муҳим аҳамият касб этади. Зеро, иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда инвестицияларни олиб кириш фонд бозорига таянади, бунда банклар пул ресурсларини сақловчи ва йўналтиривчи вазифасини бажарадилар. Хусусан, Жаҳон илмий нашрларининг маълумотларига кўра, 2021 йилда фаолияти ва активлари миқдори бўйича дунёда йирик банклардан ICBC 54 млрд. АҚШ доллари, China Construction Bank 46 млрд. АҚШ доллари, JPMorgan Chase 42 млрд. АҚШ доллари, Agricultural Bank of China 37 млрд. АҚШ доллари, Bank of China 33 млрд. АҚШ долларилик[1] соф фойдга эришган.

Шунингдек, McKinsey's Global Banking маълумотларига кўра, 2021 йилда фонд бозорида банкларнинг капиталлашув даражаси 16 трлн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2022 йилда 14,5 трлн. АҚШ доллар[2] ини ташкил этган бўлиб, 9,37 фоизга пасайиши асосан ананавий банкларда кузатилган. Ушбу кўрсаткичлардан кўринадики, банк тизими ривожланиш даражаси дунёдаги сиёсий-иқтисодий ҳолатга боғлиқ бўлиб, иқтисодиётни рақамлаштириш ва эркин капитал алмуш жараёни самарали йўлга қуйиш ҳозирги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Банк ва фонд бозори иқтисодиётда давлатга, маҳаллий ва хорижий инвесторларга, жисмоний ва юридик шахсларга молиявий хизматлар кўрсатувчи етакчи соҳа ҳисобланади. Шу ўринда, президентимиз таъкидлаганидек: "...юртдошларимиз орасида юз минглаб мулкдорлар, акциядорлар пайдо бўлсин. Одамларимиз ўз омонатларини инвестиция қилиб, юқори даромадларга эга бўлсин. ... келгуси йилда энг йирик 10 та компания ва тижорат банкларимизнинг акциялари ўз аҳолимиз учун очик ва шаффоф савдога чиқарилади"[3] банк ва фонд бозори бўш пул жамғармаларни инвестицияга айлантиришда фаол ўринга эгадир. Зеро, миллий иқтисодиётни ривожлантиришда, аҳоли даромадларини оширишда фонд бозори ва банк тизими замон талабаларига мос бўлиш, кенг кўламда рақамли технологиялардан фойдаланиши, ундаги молиявий инструментлар сони ва даромадлилиги юқори бўлиш муҳимдир.

Адабиётлар таҳлили

Ҳозирги кунда банк фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича илмий тадқиқотларда, асосан, ушбу соҳага янги технологиялар олиб кириш ва уларнинг хавфсизлик даражаси етакчи ўрин эгаллайди. Хусусан, хорижлик иқтисодчи олимлардан Stephen D. Williamson[4] ўзининг илмий тадқиқотларида банк операцияларини хавфсизлигини таъминлашда Марказий банкларнинг рақамли валютасини алоҳида қайд этиб, таҳлиллар асосида ушбу валюта самарадорлигини баён этган.

Хорижий иқтисодчи олимлардан Umberto Filotto, Massimo Caratelli, Fabrizio Fornezza[5]лар эса, ўзларининг илмий тадқиқотларида ҳозирги кунда ананаъвий банк хизматлари тизимини самарсини паст баҳолаб, соҳани фаол рақамлаштириш керак эканлигини эътироф этишган.

Юртимиз олимларидан О.Худоёровнинг ўзининг илмий тадқиқотларида: “Биометрика банк соҳасидаги энг янги тенденциялардан биридир. Биометрик маълумотлар орқали маҳаллий банклар миждозларнинг банк карталаридаги фирибгарлик ҳаракатлари фоизини камайтирди. Шунингдек, биометрика ёрдамида миждозлар ўз шахсини тасдиқлашда банкнинг ишонч телефониға мурожаат қилиб, масофавий хизматлардан тезроқ фойдаланишлари мумкин”[6]лигини эътироф этиб, банк хизматларни кўрсатишда миждозлар идентификацияси масаласига алоҳида эътибор қаратган.

Иқтисодчи олим А.Абдувоҳидов фикрича: “Банк статистикасига кўра, рақамли трансформация фаолияти кредит ташкилотларининг молиявий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади ва муҳим инвестициялар мақсадлар комбинациясига эришиш орқали қопланади.”[7] Ушбу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳар қандай соҳани рақамлаштириш инвестицияларни кенг жалб қилишға замин яратади. Чунки, маҳаллий ва хорижий инвесторлар турли интеграцион рақамли платформалар орқали ўзларини сармояларини инвестиция объектларига йўналтирадилар.

Хусусан, иқтисодчи олим А.Ходжимамедов таъкидлаганидек: “Бугунги кунға келиб, рақамли трансформация глобал микёсда ҳам, иқтисодиётда ҳам, алоҳида корхоналар даражасида ҳам амалға ошириб келинмоқда. Ушбу жараёни ўрганиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири, чунки компанияларда ички технологик жараёнларда

инновацион технологиялар қўлланади ва бизнес моделларининг рақамли трансформацияси амалга оширилади, рақобатбардошликни ошириш ва бозорда етакчиликни сақлаб қолиш учун бошқарув тузилмаси оптималлаштирилмоқда. Шу муносабат билан мамлакат молия тизимининг марказида турувчи банк тизимини рақамлаштириш асосида уларнинг фаолиятини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.”[8] Бизнинг фикримизча, молиявий хизматлар соҳасини жадал рақамлаштириш – иқтисодий ривожланишнинг асосини ташкил этади ҳамда бошқа жараёнларни тезлашишига олиб келади.

Банк-молия соҳасидаги яна бир иқтисодчи олима А.Ибрагимова ўз илмий тадқиқотларида: “FinTech орқали нафақат банк секторидаги рақобатни кучайтириш (FinTech компаниялари сабабли), балки банк кўрсатадиган хизматлар сифати, ишончлилиги ва тезлигини ошириш имконияти юзага келади.

Фикримизча, республикамызда FinTech бозорини ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари сифатида инфратузилмани ривожлантириш, ҳуқуқий асослар ва механизмларни шакллантириш, солиқ тизими орқали FinTech стартапларини қўллаб-қувватлаш, инвестицион механизмлар орқали рағбатлантиришга муҳим аҳамият қаратиш зарур”[9]гини қайд этган. Ушбу ўринда, FinTech дейилганда молиявий технологияларни назарда тутилиб, илмий тадқиқотда миллий иқтисодиётни ривожлантиришда улардан самарали фойдаланиш юзасидан таклифлар баён этилган.

Юқорида таъкидлаганимыздек, фонд бозори ва банк соҳаси узвий боғлиқликка эга ҳисобланади. Зеро, “Фонд бозорининг миллий иқтисодиётдаги асосий функцияларидан бири сифатида бўш молиявий ресурсларни инвестицияларга айлантириш ҳисобланар экан, бевосита унинг жозибadorлигини ошириш ва янги молиявий инструментларни яратиш, ундаги компаниялар бозор капиталлашувини ошириш муҳим аҳамият касб этади[10]”, фонд бозори орқали инвестициялар олиб кирилар экан, банкларни янги технологиялар асосида рақамлаштириш ушбу жараёнларни фаоллиштирувчи ва ишонччилик даражасини таъминловчи омиллардан бири ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси


Тадқиқот жараёнида янги технологиялар асосида банк фаолиятини рақамлаштириш орқали фонд бозорини фаоллиштиришнинг назарий ва амалий асослари борасида хорижий ва маҳаллий олимларнинг ишлари ўрганилди ва таҳлил қилинди. Мақолада назарий мушоҳада, тизимли ёндашув, кузатиш, умумлаштириш ва таҳлил каби усуллар самарали қўлланилди, шунингдек банкларни рақамлаштиришдаги мавжуд муаммолар ва уларни ечимлари, бу борада амалга оширилиши керак бўлган вазифалари борасида хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Халқаро амалиётни таҳлил этар эканмиз, банкларни рақамлаштиришда ва фонд бозорини ривожлантиришда замонавий молиявий технологиялардан кенг фойдаланилмоқда. Шу ўринда, иқтисодиётни ёки соҳани рақамлаштириш дейилганда, тизимдаги жараёнларни амалга оширишда компютер технологиялардан фойдаланиш, инсон омилини камайтириш, ҳамда масофавий хизматларни йўлга қуйишни тушунсак бўлид. Шунингдек, ҳозирги кунда молиявий соҳаларни рақамлаштириш жараёнида, хусусан фонд бозори савдолар жараёнида суний интелект тизимларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда, ва бу албатта, ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Дунёда Digital яъни рақамли банк концепсиясини ривожланишида ахборот-коммуникацион технологияларнинг ҳиссаси катта ҳисобланади. Ушбу тизимларнинг молиявий технологияларга интеграцияси молиявий ресурслар масофавий транзакцияларини ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатди.

Янги технологиялар асосида банк фаолиятини рақамлаштиришда АҚШ тажрибаси алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу мамлакатда рақамли банк хизматларидан фойдаланувчилар 2021 йилда 196,8 млн. ташкил этган бўлса, 2022 йилда 203 млн.[11]лик кўрсаткичга эришилган. Умуман олганда, АҚШда рақамли банк концепсиясини ривожланиши қуйидаги даврларни ўз ичига олган:



1-расм. АҚШда рақамли банк тизимининг ривожланиш босқичлари[12]

АҚШда рақамли банк тизимини ривожланишида йирик компания ва банклар тизимининг ўрни каттадир. Шунингдек, молиявий технологияларни банк соҳасига кенг қўлланилиши муваффақият калити сифатида эътироф этсак бўлади.

Молиявий технолгиялар дейилганда, иқтисодиётда молия хизматларни амалга оширишда, молиявий активлар ва инструментларни ҳаракатини таъминлашда фойдаланиладиган барча турдаги воситалар ва дастурлар жамланмасини эътироф этишимиз мумкин. Банклар ва уларнинг мижозлари томонидан фойдаланиладиган банк мобил дастурлари, халқаро ва маҳаллий пул ўтказмаларни таъминловчи тизимлар, тўлов тизимлари ҳамда бошқаларни мисол келтирсак бўлади. Хусусан, банклар ва фонд

биржалари томонидан амалга ошириладиган мижозларнинг бир неча операциялар бўйича тўлов имкониятларини текшириш яъни клеринг ва уни таркибий қисмларидан бўлган неттинг амалиётлари ҳам молиявий технологиялар асосида амалга оширилмоқда.

1-жадвал

Необанк, анъанвий банк ва дижитал банклар солиштира таҳлили [13]

Neobank	Анъанвий банк	Digital банк
Neobank барча операсиялар мобил илова орқали ёки веб-хизмати орқали амалга оширлувчи тоълиқ онлайн жараён.	Анъанавий банк хизматлари банк биноларида банк ходим и во мижозлар шахсей расмий учрашувлар асосида амалга ошириладиган жараён.	Ҳар иккала ҳолат кузатилиши мумкин
Neobank мижоз ва банкир юзма-юз эмас, балки воситачи, асосан, дастур орқали иш олиб борадиган виртуал банк	Анъанавий банкда битимлар шахсий учрашув орқали амалга оширилади.	Ҳар иккала ҳолат кузатилиши мумкин
Neobank хизматлари мижозларга анча арзонга тушади.	Анъанавий банк хизматлари кўплаб операцион харажатлари ва даромад келтирмайдиган активлари сабабли анча қимматроққа тушади	Одатда анъанвий банклардан арзонроқ
Neobankлар ўз лисензиясига одатда эга эмас (Ўзбекистондан ташқари).	Анъанавий банклар оъз лисензиясига эга	Ўз лисензиясига эга
Бюракратия даражаси паст	Бюракратия даражаси юқори	Ҳар иккала ҳолат кузатилиши мумкин
Вақт сарфи кам	Вақт сарфи юқори	Анъанавий банкларникидан одатда камроқ вақт сарфлайди
Битимлар ва амалиётларни узлуксиз амалга ошириш имкони мавжуд	Ходимлар иш вақти билан чегараланади	Битимлар ва амалиётларни узлуксиз амалга ошириш имкони мавжуд
Ҳаражатларни кузатиб бориш имконияти мавжуд	Ҳаражатларни кузатиб бориш чекланганлиги	Ҳаражатларни кузатиб бориш имконияти мавжуд

Необанк – бу мутлоқо масофадан мобил илова ёки Интернет банкинг орқали хизмат кўрсатишга мослаштирилган замонавий молиявий технологиялар ёрдамида мижозларга арзон ва тезкор хизмат кўрсатувчи тизим. Умуман, анъанавий банкларнинг рақамли банкларга ўтиш жараёнини ўрганиш улардаги банк маҳсулотларининг ўзгариши билан белгиланади[13].

Шунингдек, республикамиз тижорат банклари томонидан интернет банкинг, мобил банкинг, смс банкинг каби хизматлар кенг йўлга қўйилган.

Интернет банкинг банклар томонидан ўз мижозларига интернет орқали турли хизматларни кўрсатиш: ҳисоб рақам очиш ва уни тўлдириш, тўлов топшириқномаларни қабул қилиш, валюта конвертациясини амалга ошириш, тўловларни қабул қилиш каби амалиётларни ўзида мужассамлайди. Ушбу йўналишни ривожланиши глобал интернет тармоғининг пайдо бўлиши, персонал компьютерларни кенг тарқалиши ва уларни сифат жиҳатдан яхшиланиши билан узвий боғлиқдир.

Банклар ва микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий хизматларни мобил иловалар орқали тақдим этилишини мобил банкинг сифтида таърифлаймиз. Мобил банкинг тўғрисида фикр юритар эканмиз, ҳозирги кунда ушбу йўналиш жадал ривожланмоқда. Аҳолининг мобил қурилмалардан фойдаланиш даражаси ошиши ва мобил банкнинг илова дастурларининг қулайлиги бунинг асосий сабаблардан ҳисобланади.

Интернет банкинг ва мобил банкинг ривожланишидан аввалроқ, СМС банкинг хизмати мижозларни банк билан алоқасини масофавий таъминлаб турган. Бунда, мижознинг мобил қурилмасига банк томонидан смс хабарнома келиши ёки у томонидан юборилиши имкониятилари мавжуд бўлган. Ушбу операциялар мобил операторлар, яъни бошқа компаниялар иштироки асосида ташкиллаштирилган.

Юқоридаги қайд этилган интернет, мобил ва смс банкинг банклар томонидан мижозларга масофавий хизматлар кўрсатиш сифатини ва самарадорлигини оширди. Хусусан, ушбу йўналишда бизнинг тижорат банкларини кўрсатгичларига назар ташлар эканмиз, рақамлаштириш жараёни жадал кечаётганига ва ушбу соҳада рақобат кучаётганига иқрор бўлишимиз мумкин(2-жадвал).

2-жадвал

**Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан
фойдаланувчиларнинг сони 2023 йил 1 февраль ҳолатига[14]**

№	Банк	Юридик шахслар ва ЯТТ	Жисмоний шахслар	Жами
1	Миллий банк	89 586	1 416 441	1 506 027
2	Ўзбекистон саноат-қурилиш банки	63 230	4 805 182	4 868 412
3	Агробанк	187 394	4 794 017	4 981 411
4	Ипотека-банк	148 439	2 237 575	2 386 014
5	Микрокредитбанк	56 057	862 797	918 854
6	Халқ банки	97 453	4 214 846	4 312 299
7	Гарант банк	8 366	87 684	96 050
8	Қишлоқ қурилиш банк	27 928	365 024	392 952
9	Туронбанк	41 237	309 848	351 085
10	Hamkorbank	111 714	1 177 042	1 288 756
11	Асака банк	36 459	903 035	939 494
12	Ипак Йўли банки	50 998	1 495 049	1 546 047
13	Ziraat bank Uzbekistan	3 396	40 740	44 136
14	Трастбанк	41 784	216 045	257 829
15	Алоқабанк	26 993	699 954	726 947
16	ҚДБ Банк Ўзбекистон	1 179	40 672	41 851
17	Содерот банк Тошкент	303	2 146	2 449
18	Универсал банк	10 147	108 296	118 443
19	Капиталбанк	35 263	910 789	946 052
20	Равнақбанк	2 565	48 064	50 629
21	Давр-банк	26 736	89 908	116 644
22	Invest Finance bank	28 855	426 355	455 210
23	Asia Alliance bank	17 436	454 431	471 867
24	Ориент Финанс банк	29 439	429 235	458 674
25	Мадад Инвест банк	1 018	2 421	3 439
26	Ўзагроэкспортбанк	110	1 318	1 428
27	Пойтахт банк	988	6 351	7 339
28	Tenge bank	1 446	24 173	25 619
29	TBC bank	0	1 025 219	1 025 219
30	ANOR bank	15 631	2 737 921	2 753 552
31	UZUM bank	0	1 570 000	1 570 000
Жами		1 162 150	31 502 578	32 664 728

1-жадвал маълумотларидан аён бўлмоқдаки, республикада масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар жами 32 664 728 тани ташкил этган бўлиб, 96,44 фоизи жисмоний шахсларни ташкил этади. Ушбу ўринда қайд этиш жоизки, жавдалдаги кўрсаткичда бир жисмоний

шахс бир неча банкнинг масофавий хизматларидан фойдаланган бўлиш мумкинлиги мавжуддир. Шунингдек, “Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” АТБ, “Агробанк” АТБ, “Халқ банки” АТБ, “Ипотека-банк” АТБ, “ANOR bank” ХАТБ томонидан кўрсатилган масофавий банк хизматлари солмоғи қолган банкларга қараганда юқоридир.

Рақамли банк хизматларининг ривожланиши молиявий транзакцияларни кўпайтириб, миқдорларни молиявий ресурсларини бир активдан бошқасига йўналтиришга имкон беради. Ушбу ўринда, фонд бозорининг аҳамияти ҳам бекиёсдир. Республикамиз фонд бозорида амалга оширилган транзакциялар қийматлари қуйидаги жадвалда акс эттирилган (3-жадвал).

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси фонд бозорида иқтисодий тармоқлар кесимида 2022 йилдаги савдо кўрсаткичлари[15]

Соҳа	Битимлар сони, дона	Қимматли қоғозлар сони, дона	Битимлар ҳажми, млрд. сўм
Банклар	26042	3 483 679 451	2308,7
Аграрсаноат	1167	26798365	237,9
Лизинг	37	16287	15,1
Саноат	21247	5695260	54,0
Алоқа	327	22539	0,069
Суғурта	2586	30996280411	87,1
Қурилиш	14628	10254180	1924,4
Транспорт	84	82573	0,018
Энергетика	4031	2304490	19,6
Бошқалар	10574	1629626626	169,3
Жами	80723	39611641268	4816,2

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2022 йил натижалари бўйича республикадаги фонд бозори савдоларида битимлар сони ва қиймати бўйича банклар тармоғи юқори ўрин эгаллаган. Хусусан, жами битимлар қиймати 4,8 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, унинг 42,3 фоизи банкларни акциялари ва облигациялари билан бўлган савдолардан келиб тушган. Ушбу кўрсаткичлар тижорат банкларининг молиявий инструментларига бўлган қизиқишни маҳаллий ва ҳорижий инвесторлар томонидан ортаётганини, ва тармоқга инвестиция қилиши

жозибадорлиги ҳамда даромадлилиги йилдан йилга ўсаётганини ифодлайди (4-жадвал).

4-жадвал

Ўзбекистон Республикаси банк тизими даромадлик кўрсаткичлари[14]

Банк тизими даромадлик кўрсаткичлари	01.02.2022 й.	01.02.2023 й.
Солиқ тўлангунга қадар соф фойданинг жами активларга нисбати (ROA)	2,6	2,8
Соф фойданинг жами капиталга нисбати (ROE)	13,2	15,5
Соф фоизли даромадларнинг жами активларга нисбати	7,0	4,8
Кредитлар бўйича олинган соф фоизли даромадларнинг жами кредит қўйилмаларига нисбати	9,4	6,9
Соф фоизли даромадларнинг жами мажбуриятларга нисбати	8,4	5,6
Соф фоизли маржанинг жами активларга нисбати	6,9	4,8

Жадвал маълумотларида ресубликамиз банкларининг даромадлилик кўрсаткичлари жамланмаса яъни ўртача қиймати акс эттирилган. Алоҳида қайд этиш жоизки, халқаро инвесторлар томонидан кузатиладиган кўрсаткичлардан бири ROE (return on equity) 2,3 фоизга ижобий томонга ўзгарган. Лекин, ҳозирги кунда инфляси ва девалвация жараёни ҳисобга олганда, 15,5 фоизлик қиймати инвесторларни фонд бозорига кенг жалб этишда салбий ҳолат сифатида намаён бўлади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилганда, глобаллизация жараёни янги молиявий технологияларни тарқалишини тезлаштирмоқда. Ушбу технологиялардан самарали фойдаланиш банк ва фонд бозори ривожига ҳисса қўшади. Шу ўринда, ресубликамизда рақамли банкинг тизимини ривожлантиришга кенг эътибор қаратилиб, хориж тажрибаси асосида янги молиявий технологик тизимлар яратилмоқда ва миқдорларга тақдим этилмоқда. Лекин, айрим муаммолар борки, банк ва фонд бозори тизимида жадал ривожланишга таъсир этмоқда. Хусусан, кибержиниятчиликни кўпайиши, интернет хизматларини сифатсизлиги, аҳолининг молиявий саводхонлик даражаси, инфляси даражасини юқорилиги ва фонд бозори билан банк

тизимининг интеграцион даражаси юқори эмаслиги шулар жумласидандир. Бизнинг фикримизча, уларнинг ечими сифатида банкларимизни хафвсизлигини юқори даражада таъминлаган ҳолда рақамлаштириш ва молиявий инструментлар сони ҳамда сифатини яхшилаш зарурдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://www.mbaskool.com/fun-corner/top-brand-lists/17617-top-10-banks-in-the-world.html>
2. McKinsey's Global Banking Annual Review: <https://www.mckinsey.com/industries/financial-services/our-insights/global-banking-annual-review#/>
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси, Халқ сўзи 21.12.2022 № 269 (8293)
4. Stephen D. Williamson, Central bank digital currency and flight to safety, Journal of Economic Dynamics and Control, Volume 142, 2022, 104146, ISSN 0165-1889,
5. Umberto Filotto, Massimo Caratelli, Fabrizio Fornezza, Shaping the digital transformation of the retail banking industry. Empirical evidence from Italy, European Management Journal, Volume 39, Issue 3, 2021, Pages 366-375, ISSN 0263-2373,
6. ХУДОЁРОВ О. О. БАНК ТИЗИМИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА РАҚАМЛАМЛИ БАНК ТЕХНОЛОГИЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ //ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ. – 2023. – Т. 13. – №. 7. – С. 99-107.
7. Абдувохидов А.А. и др. Ўзбекистонда банк тизimini рақамлаштириш масалалари //Журнал Инновации в Экономике. – 2021. – Т. 4. – №. 2.
8. Ходжимамедов А. БАНК ТИЗИМИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА БАНК ИННОВАЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. – 2022. – Т. 10. – №. 3. – С. 1-8.
9. Ибрагимова, А. (2021). Fintech – банк хизматларини рақамлаштириш драйвери сифатида. Экономика и инновационные технологии, (4), 325–329.

10. А.И.Каримов ЎЗБЕКИСТОН ФОНД БОЗОРИНИНГ ЖОРИЙ РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ. International Journal of Finance and Digitalization, Vol. 1 Issue 02, 2022

11. <https://www.statista.com/statistics/1285962/digital-banking-users-usa/>

12. <https://www.bankrate.com/banking/digital-banking-trends-and-statistics/#digital-trends>

13. Абдурахимова Дилора Каримовна “ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ЯНГИ ҲИСОБЛАНГАН БАНК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ” монография «ИҚТИСОД-МОЛИЯ» 124-бет

14. <https://cbu.uz/oz/statistics/>

15. https://uzse.uz/system/analytics/pdfs/000/000/153/original/2022_yil_bo'yicha_birjaviy_tahlil.pdf?1676883324